# Инсоф

**Ўткир ҲОШИМОВ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

*Халқимизнинг ажойиб удумлари бор. Чақалоқнинг танглайини кўтараётганда «умринг узоқ бўлсин, инсофли-тавфиқли бўл», деб дуо қилади. Бирон муаммони ҳал этаётганда «инсоф сари барака», дейди. Бировнинг ноинсофлигидан ранжиса, «инсоф қилинг-да, биродар», дейди. Ва ниҳоят жудаям жонидан ўтиб кетса, /кечирасиз-ку, қўполроқ бўлса ҳам халқ иборасини ўз номи билан айтишга мажбурман/ «ўғри бўл, ғар бўл, инсоф билан бўлгин-да», дейди...*

*Хуллас, «Инсоф» деган тушунча билан боғлиқ гаплар кўп. Ўйлаб қарасам, бу сўзнинг бошқа тиллардаги таржимасини топиш анчайин мушкул экан. Масалан, рус тили – дунёдаги энг бой тиллардан бири. Унда «честность», «порядочность», «великодушие», «долг», «совесть» сингари теран маъно ташувчи сўзлар кўп. Бироқ, менимча, улар айнан «инсоф» деган сўз маъносини тўлиқ англатмайди. Балки адашаётгандирман, лекин билишимча шундай.*

*Қизиқ, инсоф деган нарсанинг ўзи нима? Унинг салмоғи нима билан ўлчанади? Чегараси қаердан бошланади-ю, қаергача давом этади?*

*Узоқ-яқин ўтмишга назар ташласак, бу тушунча билан боғлиқ талай ривоятлару ҳикоятлар эсга тушади.*

Бир дўкондор юмуш билан уйига бориб келса, шогирди хурсанд бўлиб ўтирганмиш. Сабабини сўраса, бир тўп газламани тўрт юз дирҳамга сотиб, анча фойда кўрганини айтибди. Дўкондор шогирдига ўша харидорни қаердан бўлмасин топиб келишни буюрибди. Шогирд бозор айланиб, харидорни топиб кепти.

— Шогирдим адашиб икки юз дирҳамлик мато учун сиздан тўрт юз дирҳам олибди, — дебди дўкондор ва ортиқча пулни қайтариб берибди. Харидор ҳайрон бўпти.

— Мен бу ерлик эмасман, — дебди. — Бизнинг юртда бу мато тўрт юз дирҳам туради, шогирдингиз адашгани йўқ, берган пулимга розиман.

-Мен эса рози эмасман, - дебди дўкондор. –Бизда икки юз дирҳам туради, менга бировнинг ҳақи керакмас.

Турк олими Юсуф Тошлининг «Ҳикматлар хазинаси» китобида тағин бир ривоят бор. Абдураҳмон деган одам ҳазрат Умарнинг хонадонига юмуш билан борибди. Қоронғи тушиб қолган, халифа шам ёруғида ишлаб ўтирган экан. Меҳмон билан сўрашгач, ёниб турган шамни ўчириб, бошқа шамни ёқибди.

— Мана энди хотиржам гаплашсақ бўлади, — дебди меҳмонга.

Меҳмон ҳайрон бўпти.

— Бояги шамни нега ўчирдингиз-у, нега худди шунақа бошқа шамни ёқдингиз?

— Ёниб турган шам давлатники эди. Мен унинг ёруғида давлат ишини бажараётгандим, — дебди халифа. – Сен билан қиладиган суҳбатимизнинг давлат юмушига дахли йўқ. Шунинг учун ўз пулимга сотиб олган шамни ёқдим...

**_Чуқурроқ ўйлаб қарасангиз, инсоф билан инсофсизлик ўртасидаги чегарани ажратиш гоҳо қийин кечишини кўрасиз._**

Шўро замонида бирон ишга кирмоқчи бўлса, «ойлигимас, кунлиги қанча?» деб сўрарди. Сабаби — ҳамма нарса ҳамманики ва ҳеч кимники эмас эди. Албатта, «социалистик мулк»ни талон-тарож этишга қарши чоралар кўрилар, шунга қарамай, нон заводидан бир буханкагина нон, қушхонадан бир килогина гўшт, «текстил»дан беш ғалтаккина ип олиб чиқиш кўп ҳам айб саналмасди... Етмишинчи йиллари қайси бир макарон заводи билан боғлиқ латифанамо ҳангома машҳур бўлиб кетган эди. Заводга Германияданми-ей, Чехословакиями-ей замонавий машина олиб келишибди. Машина хамирни ўзи қориб, тобига келтириб, ўзи макарон линиясига расамади билан тарқатиб берар экан. Ҳамманинг жони кириб қопти. Ақлли машинанинг тугмачасини вақтида босиб турсангиз, бас. Шунақа-ку, орадан бирон ой ўтгач, машина хумпар ёмон «ҳунар кўрсатибди». Беш тонна хамирни айлантираётган мослама «ғўлдир-ғўлдир» қилиб турибди-да, хамирни макарон линиясига узатиш ўрнига варақлатиб ерга тўкиб ташлабди. Беш тонна хамирнинг ер билан битта бўлиб, оқиб ётишини бир тасаввур қилинг! Ҳаммаёқ алғов-далғов бўлиб кетибди. Олис юртга сим қоқиб, зудлик билан мосламани тузатиб беришни талаб қилишибди. Усталар етиб келиб қараса, чиндан ҳам, аҳвол чатоқ. «Нега бизга бузуқ машина ўрнатдинглар?» — дебди заводдагилар. Усталар машинани текшириб кўришибди. Кейин ерга оқиб ётган хамирни текширишибди. Сўнг айтишибди: «Машина бузуқ эмас, уни ишлатаётганлар бузуқ! Хамирга ун билан бирга шакар, сут, тухум, маргарин — ҳаммасини етарли миқдорда солмаса, машина «туфлаб ташлайди». Шунақа «ёмон одати» бор!»

Одамзод машина эмас. Шу боис гоҳо инсоф билан инсофсизлик чегарасини «ажрата олмай қолиши» ёки атайлаб ажратмай қўя қолиши ҳам мумкин...

Кўп нарсалар хусусийлашгани ажойиб бўлди. Шахсий манфаат бор жойда интилиш бор. Интилиш бор жойда тараққиёт бор.

Авваллари кўча четида битта такси тўхтаса, йигирмата одам ҳаллослаб борарди. Ҳозир кўча четида битта одам қўл кўтарса, йигирмата машина ғийқиллаб тўхтайди. Автобуслару троллейбуслар бекатда турна қатор. Булар ҳаммаси яхши. Фақат «инсоф сари барака» бўлса, бас...

Қайси куни троллейбус бекатида узоқ туриб қолдим. Роппа-роса бир соатда келди, азамат. Ўн беш чоғли йўловчи салонга чиқдик. Яна чорак соатлар турдик. Маълум бўлишича, ҳайдовчининг мўлжалидаги йўловчилар чиқмагунча сабр қилиш керак экан. Ҳайдовчи бағоят хотиржамлик билан ҳаммадан юз сўмдан йиғиб олди. Шунда бир кампир минғиллаб қолса денг!

— Қайтимини бермайсанми, болам?

— Мен сизга ўн сўмни қаердан оламан? — деди ҳайдовчи аччиқланиб, — Қанақа майда гап хотинсиз?

«Тўғри» айтади, шоввоз! У-ку ҳар кимдан «атиги» ўн сўмдан олиб қоляпти. Кун бўйи тер тўкиб троллейбус ҳайдаганида беш минг бўлар, боринг, ана, ўн минг бўлар. Кампир эса ўн сўмини қистаб ўтирибди. Шу ҳам «инсофданми»?

Аптекаларни айтинг, аптекаларни! Ҳар қадамда дорихона! У боши билан бу бошининг ораси тўрт чақирим келмайдиган битта кўчада ўн бешта аптека! Деярли ҳаммаси хусусий! Беморларнинг ҳожатини чиқараяптими, омадини берсин! Аптекани эслаганимнинг боиси шуки, дори керак бўлиб қолди. «Минг йилдан бери» ишлатиб келинадиган оддий дори. Аптекалардан бирига кирдим. Ҳаммаси ораста, замонавий... Дори дарров топилди. «Арзимаган» икки минг сўм экан. «Арзимаган» икки минг менга қимматроқ туюлди. Икканиб кўчанинг нариги бетига ўтсам, яна бир дорихона бор экан. Буниси жўнроқ, пешонасида ялтироқ ёзуви йўқ. Ўша дорини сўрадим. Саккиз юз сўм экан! Аптекачи аёлдан дорини сотиб олдимда, роппа- роса эллик қадам юриб, кўчанинг бериги бетидаги дорихонага қайтиб кирдим. Ўша дорининг қанча туришини яна сўрадим. Йигитча жиндай ранжиди.

— Ҳозир айтдимку, икки минг сўм! – деди тушунтириб, — Бу чет эл дориси – «польский»!

— Буниси-чи? – дедим қўлимдаги дорини кўрсатиб.

Аптекачи дорини олиб томоша қилди.

— Буям «польский!»

— Уям- буям «польский» бўлса, нега сизники икки минг сўм, буниси саккиз юз сўм? — дедим ҳайратланиб.

–Нима, сиз дорини Польшадан «космик кемада» олиб келгансиз-у, улар эшак аравага ортиб келганми?

Йигитча овозини пасайтириб сўради:

— Қаердан олдингиз, ака?

— Қаердан олганимни айтсам, нима қилардингиз?

— Проста сўрадим-да, — деди у осойишталик билан.

Нима учун «проста» сўраганини тушундим. Аввалги дорихонага эринмасдан тағин қайтиб кирдим. Аптекачи аёлдан ундаги дори нега бошқаларникидан арзонлигини сўрадим.

— Мен фармацевтика институтини битирганман, — деди аёл. — Ота-онам ҳам, қайнотам ҳам аптекачи бўлишган. Раҳматли адам қаттиқ тайинлаганлар. «Дорини одамлар муҳтожликдан олади, дорининг ҳақига хиёнат қилиб бўлмайди», деганлар...

**_...Одамлар пул ўлсин-а, пул ўлсин, деган гапни ярим таассуф, ярим табассум билан ҳитоб қилиши бежиз эмас. Баъзан пул учун шунақанги нарсаларни ўйлаб топишадики, ҳайрон қоласан!_**

Қишда ҳадеб бозорга қатнаш ташвишидан қутилиш учун бирйўла 150 кило пиёз сотиб олдим. Бозорнинг олди пиёзи. Целлофан тўр қоп ичида ярақлаб турибди. Ҳаммаси бир текис. Ҳаммаси йирик-йирик.

— Укажон, пиёзнинг ҳаммаси бир хилми? – десам, пиёзфуруш ранжиди.

— Мен сизни алдайманми?

Тўртта қопчиғини уйга келтириб, ағдарсам, ҳар қопчиқдан камида бешолти килодан «болачалар» чиқди. Данакдан каттароқ, ёнғоқдан кичикроқ. Бир текис пиёз орасига шунча майдасини қандай жойлаганига ҳеч ақлим етмайди! Целлофан тўр халтадан майдаси кўриниб туриши керакку? Бозорга қатнаб юрадиган қайнимга шу гапни айтсам, мазза қилиб кулди.

— Бунинг отини «карнай усули» дейди!

«Карнай усули» ғалати экан. Пиёзфурушлардан бири целлофан тўр халтани очиб туради. Бошқаси халтага йирик пиёзларни бир қатор қилиб териб чиқади. Кейин тўр қопнинг ўртасига печканинг тунука дудбуронини тик қилиб қўядида, сиғганича майда пиёздан «карнай» ичига тўкади. Атрофига эса йирик пиёзларни жойлаб чиқишади. Кейин тунука карнайни секин тортиб олади-да, устига тағин яхши пиёзни териб, қопнинг оғзини боғлайди. Қарабсизки, қопнинг қаёғини ағдарманг, ҳамма томонида йирик пиёз кўриниб туради. Орасида эса «болачалари». Баайни бўғоз сигирдек! Ростини айтсам, конфетнинг орасига мураббо тиқишдек ноёб «карнай усули»ни ўйлаб топган азаматга шу пайтгача нега Нобель мукофоти беришмаганига ҳайронман!

...Бўйинбоғ олмоқчи бўлиб, «супермаркет» деган кошонага кириб қолсам денг! Иккинчи қаватга кўтарилишим билан қошлари қилдеккина, кўйлакчасининг этаги тиззасидан бир қарич тепада турган қиз рўпара келди. У ёққа борсам, бу ёққа боради, бу ёққа борсам, у ёққа. Бу қизни менинг нимам бунчалик қизиқтириб қолди, деб ҳайрон бўлдим-у, кейин миямга урди: бирон нарсани ўмариб кетмасин, деб кузатиб юрибди! Ниҳоят ўзим хоҳлаган бўйинбоғни топдим. Чиройли, ялтироқ қутичада. Нархини сўраган эдим, бояги қиз табассум ҳадя этди.

— Ўн саккиз минг сўм!

Ҳайрон бўлдим.

— Нима, бунинг ичида бўйин ҳам борми?

Қиз қилдек қошини чимирди.

— Тушунмадим.

— Бўйинбоғнинг ичида одамнинг бўйни ҳам борми? – дедим тушунтириб. — Галстук деганиям ўн саккиз минг турадими?

— Сиз «супермаркет»да юрибсиз, амаки! – деди у. — Арзон матах оладиган одам «барахолкага» боради.

«Жиянчам» тўғри айтган экан! Худди ўшанақа ялтироқ қутичадаги, худди ўшанақа галстукни беш мингга олдим. Берган маслаҳати учун қизга ичимда раҳмат айтдим, аммо бироз ўйлаб туриб ўзимни ёмон кўриб кетдим. Аслида, шу галстук деган дардисарни «супермаркет»дан ўн саккиз минггга ола қолсам бўлар экан. Қийин ўша «супермаркет»дагиларга! «Жиянчам» қилдек қошига оро бериш учун кун ора сартарошхонага кириши керакми? Кўйлак тиктириши учун ҳафтада бир «Модалар уйи»га қатнаши керакми? Шунча пулни қаердан олсин? Албатта, ўзининг «босс»идан олади! «Босс» кимдан олади? Сиз билан менга ўхшаган харидордан-да! Ҳалиям инсофи бор экан! Бўйинбоғни эллик минг сўм деса, нима қилардим?

**_... Албатта, «бозор муносабати»нинг ўз қонунлари бор. Ким молини қандай баҳолаши ўзининг иши. «Чидаганга чиқарган»! Шунақа-ку, гоҳо ҳеч қандай бозор муносабатларига бўйсунмайдиган, бўйсунишни ҳам хоҳламайдиган ҳолатлар бўлиб туради. Одамнинг инсоф доираси шундай паллада синовдан ўтса, ажаб эмас._**

Бултур қиш чилласида тобим қочиб қолди: Иситма кўтарилиб кетди. Шифохонага ётай десам, иш тиғиз. Дўхтирлар ҳар саккиз соатда укол қилишни буюрган. Кундузи-ку, майли. Поликлиникага бориб эмлатаман. Кечасининг иши қийин... Маҳалламиздаги ҳамшира аёл ҳар кеча соат ўн иккида, эрталаб соат саккизда уйга келиб укол қилди. Олти кун... Худога шукур, дард чекинди. Охирги уколни қилганда, ийманиброқ қўлига пул тутқаздим.

— Минг раҳмат, сизга. Узр, «қўл ҳақи» деган гап бор...

Ҳамшира кўзимга таъналли қаради:

— Шунақа десангиз, хонадонингизга бошқа қадам босмайман. Биз қўшнимиз-ку, домла, маҳалладошмиз...

... Шаҳар чеккароғидан машинамга бензин қуйган эдим. Ишонсангиз, машина жонивор тўхтаган жойида мотори ўчиб қолаверди. Уйга минг машаққат билан етиб олдим. Яхшиям, «машинанинг бензобакидан кириб, глушителидан чиқиб кетадиган» танишим бор. Моторни очмасданоқ касалини топди.

— Нима бало, бензин қуйдингизми, дизтопливами?

Хусусий бензоколонка очган бошқа бир танишимга шу воқеани айтиб ҳасрат қилсам, койинди.

— Жа ошириб юборибди-да, ноинсоф! Мен унақа қилмайман. Тўғри, юз прасан тоза бензин қуяман, демайман. Бунақаси отлиққаям йўқ. Жиндай «эконом» қилиб қолиш, деган гап биздаям бор. Аммо лекин бир хилларга ўхшаб ҳар канистирдан икки-уч литрлаб «уриб» қолмайман. Атиги бир литр. Хўш, нима қилай бўлмаса! Бири келади текшириб. Бири келади пишқириб! Ҳар куни йигирма литр бензинни «такса» қилиб бўйнимга илиб қўйганлар бор.

... Соҳибқирон Амир Темур замонидан бери бизнинг кунларгача довруғи достон бўлиб келаётган тошкентлик машҳур мошитабиблар сулоласининг вакили Абдужаббор ҳожи Моштабиб ўзининг хотиралар китобида болалик чоғида бўлиб ўтган бир воқеани ҳикоя қилади.

Иккинчи жаҳон урушининг қишли-қировли кунларидан бирида табибнинг эшиги тақиллаб, ҳарбий кийимдаги одам Абдужабборнинг бобоси Муҳаммад Иброҳимни йўқлаб келади. «Отахон, мени танияпсизми?» деб сўрайди кулимсираб. Кекса табиб уни эслай олмаганини айтганда, меҳмон уруш арафасида кўпкарида йиқилиб оёғи синганини, уни табиб даволаганини ёдига солади. Шу мўътабар зот даволаган оёғи билан ярим дунёни айланиб келганини айтади. Ва ўша пайтда урушга кетиб, табибни рози қила олмагани учун узр сўрайди. Юк халтасидан аллақанча емак чиқариб, тақдим этади. Қаҳатчилик ҳаммани қақшатиб турган паллада бу – бутун бир хазина эди. Табиблар оиласи ҳадяни яқин-йироқ кишилари билан баҳам кўрадилар...

Ажаб! Қаҳатчилик йилларида қачондир ўзини даволаган табиб ҳузурига сўроқлаб келган оддий аскар нега шундай қилди экан? Орадан шунча йил ўтиб кетган бўлса, табиб уни батамом унутиб юборган бўлса. Аскар тиззасигача қон кечиб, дийдаси қотиб кетган бўлса... Табибни излаб келмаслиги ҳам мумкин эди-ку! Ё унинг давлати бензоколонка очган танишимникидан кўпроқ бўлганми?

...Ҳали мактабга қатнамасдим. Куз палласи томоғимга «тепки» келиб, бўйним шишиб кетди. Ойим «ирими»ни қилиш учун «Гиргиттон» бувиникига олиб чиқди. Дунёда «Гиргиттон» бувидан мулойим, ундан меҳрибон одам бўлмаса керак. Ҳамма билан «бувинг гиргиттон» деб айланиб-ўргилиб кўришади. Бувининг ҳовлисига кирсак, этакдаги девор тагида аллақанча ёнғоқ думалаб ётибди. Кечаси шамолда тўкилган бўлса керак. Югуриб бориб тера бошладим. Бир маҳал айвон томондан «Гиргиттон» бувининг овози келди. «Ҳай-ҳай, гиригиттон, тегма, тегма ёнғоққа!» Шундай деб илдам келди-да, қўлимдаги ёнғоқларни олиб, пастдак девор оша нариёққа улоқтира бошлади. Сўнг хазон орасида ётган бошқа ёнғоқларни ҳам энкайиб терганча, девор ортига ташлади. Бувининг бундай «қизғанчиқлиги»га ҳайрон бўлиб туриб қолдим. Ниҳоят, тўкилган ёнғоқлар қолмаганига ишонч ҳосил қилгач, қўлимдан етаклади. «Юрақол гиргиттон, санга бошқа ёнғоқ бераман». Шундай деб, пастдак бостирмага олиб кирди-да, саватда уюлиб ётган ёнғоқлардан ҳовучлаб олиб дўппимни тўлдириб берди...

Ўша куни ойимдан анча дакки едим. Кап-катта бола одобсизлик қипман. Ерда ётган ёнғоқ «Гиргиттон» бувиники эмас, қўшнисининг дарахтидан тўкилган экан. Қўшни ҳақини ўзидан сўрамасдан олса ёмон бўларкан.

**_... Дунёда халқ кўп, миллат кўп. Ҳар бирининг ўз урф-одатлари, ўз дунёқараши бор. Бироқ яхлит олганда бани инсоннинг ҳаммаси яккаю ёлғиз Оллоҳнинг бандаси! Шу боис уларнинг феъл-атворида, ҳатти-ҳаракатларида ғаройиб муштараклик бўлади._**

Бундан бир неча йил аввал Японияидан келган меҳмонларга ҳамроҳ бўлиб Самарқандга бордик. Меҳмонлар орасида Япония Парламенти раҳбарларидан бири ҳам бор эди. Икковимиз ва таржимон бир машинада кетяпмиз. Самарқанд қишлоқ туманидан бораётиб, яшнаб ётган боғ олдидан ўтдик. Йўл чети кета-кетгунча шафтолизор. Зарғалдоқ шафтолилар ғарқ пишган. Ҳар бири кичикроқ чойнакдак келади. Меҳмон нимадандир завқланиб гапирди. Таржимон меҳмон жаноблари бу боғ кимники эканини сўраётганини айтди. Япония, Корея ва Хитойда шафтолига айрича ихлос қўйишларини эслаб, ҳайдовчидан машинани тўхтатишни сўрадим. Йўл четидаги ариқчадан ҳатлаб ўтиб, ҳовучимга сиққанча шафтоли узиб олдим. Буни қарангки, нарироқда темир қувурдан сув оқиб турган экан. Шафтолиларни чайиб, олиб келдим. Меҳмонга узатдим. Меҳмон қатъиян бош чайқади, ўз тилида ҳаяжонланиб бир нима деди.

— «Мумкинмас» деяптилар, — деди тилмоч таржима қилиб.

— Ташвишланманг, жаноб, — дедим тушунтириб, — бояги сув ифлос эмас, водопроводники, бу туман тўла водопроводлашган. Бемалол еяверинг, мана, ўзим бошлаб бера қолай!

Меҳмон тағин бош чайқади. Таржимонга бир нималарни куйманиб тушунтирди.

— Мумкин эмас, — деди таржимон меҳмоннинг гапини сўзма-сўз ағдариб. – Жаноб шафтолининг эгасига ҳақ тўламадилар. Шунча мевани сўроқсиз олиб чиқдилар. Мумкинмас...

Биз ўтиб бораётган жой менга бегона эмаслигини, бу ерга кўп марта келганимни, бу туманнинг ҳокими – мэри ўзимнинг синглимдек бўлиб қолганини айтдим. Барибир гапларим ишончсиз чиқаётганга ўхшаётганини ўзим ҳам сезиб турардим. Кўз ўнгимда икки букланганча ёнғоқ териб, пастак девордан қўшникига улоқтираётган «Гиргиттон» буви пайдо бўлиб қолгандек эди...

Яхшилик-яхшиликни чақиргани сингари адолатсизлик-адолатсизликни, ноинсофлик-ноинсофликни етаклаб келади, шекилли. Айниқса, оддий одам мартабаси ўзидан бир поғона юқорироқ кишидан ноинсофлик кўрса ... «Занжирли реакция» бошланади, десаммикин...

Устоз Озод Шарафуддинов билан бир вилоятдаги шифо масканида даволанадиган бўлдик. Мамлакатимиз ғалла мустақиллигига энди эришган, ҳамма ерга нуқул пахта тиқиштирмай, ғалла майдонлари кенгайтирилган кезлар эди. Биз даволанаётган сиҳатгоҳнинг этаги чексиз буғдойзорга туташиб кетган, айни ўрим пайти эди. Димоқни буғдой ҳиди, нон иси қитиқлайди. Белга урадиган ғаллазор шовиллаб турибди. Ҳамманинг кайфи чоғ. Деҳқонлар хурсанд! «Гектаридан фалон центрини режа бўйича топширсанг, қолгани ўзингники» деб қўйилган... Ҳар хонадон фалон тоннадан буғдой олишни мўлжаллаб турибди. Ўзи тановул қилади, ортганини сотиб тўй қилади, том солишни бошлайди...

Келгуси йилда домла бетоб бўлиб қолди, сиҳатгоҳга ўзим бордим. Эски раис ошнам билан суҳбатлашсам, машқи пастроқ.

— Нима, бу йил ҳосилнинг чўғи камроқми? — десам, бош чайқади.

— Одамлардан инсоф қочди, домла. Кўз-қулоқ бўлиб турмасанг, пайт пойлаб буғдойни ўриб кетишдан ҳам тоймайди булар!

Аввалига раис буванинг гапига ишонмадим. Наҳотки, одамлар шунчаликка бориб етса! Эртаси ваннахонада навбат кутиб ўтириб, дам олувчилардан бири билан суҳбатлашиб қолдим. Шу ернинг одами экан.

— Ноинсофликни деҳқонмас, буларнинг ўзи бошлади! – деди у чапанича шанғиллаб. – Бултур ҳаммани ёш бола қилиб лақиллатди-ку, булар!

Маълум бўлишича, ўтган йили хўжалик ғалла режасини мўлжалдан анча ошириб адо этган. Хирмон кўтарилиб, одамлар ўз улушини олмоқчи бўлиб турганида ишкал чиққан. Деҳқонлар мўлжалдаги буғдойнинг ўндан бирини ҳам ололмаган.

Раис билан кейинги суҳбатимиз совуққина бўлди.

— Одамларда ишонч йўқолишига сиз ҳам сабабчисиз! – дедим — Сиз шу хўжаликнинг бошлиғисиз. Ота ўрнидасиз! Нега одамларни алдайсиз?

— Хўжалик режани бажаргани билан туман уддалолмай қолди, — деди раис қовоғини солиб. — Туман энди амаллаган эди, вилоят оқсади. Бир томондан кичик ҳоким, бир томондан, катта ҳоким сиқувга олиб турганидан кейин қўлимдан нима келарди?

Тутоқиб кетдим.

— Қачонгача ёмон ишлаганнинг хунини яхши ишлаган тўлайди, биродар! Сиз деҳқонни алдаб ноинсофлик қилгансиз, одамларнинг кўнглида раҳбарларга нисбатан ишончсизлик туғдиргансиз.

**_Юртбошимиз неча марта айтаяпти: каттадир-кичикдир раҳбар борки, ҳалол бўлсин, қўл остидагиларни алдамасин, деб неча бор жон куйдириб такрорлаяпти, биродар!_**

Раис узоқ сукутдан сўнг ўрнидан турди.

— Сиз бу ерда яшамайсиз-да, ака, — деди юзини буриб...

... Бу гаплардан одамларда инсофдан чекиниш ҳолати пайдо бўпти-да, деган андишага бориш тўғри бўлмайди. Худога шукур, инсофлилар инсофсизлардан кўра кўп чандон ортиқ. Акс ҳолда дунё остин-устун бўлиб кетарди. Орамизда пок-ҳалол аптекачилар ва дўкончилар, ҳайдовчи ва бозорчилар, бензинчи ва хўжалик раҳбарлари оз эмас. Бизнинг халқимиз инсоф масаласида бировдан сабоқ олмайди, керак бўлса, сабоқ беради! Ўз вақтида «Туркистон вилоятининг газити» муҳаррири бўлиб ишлаган Николай Остроумов Россия Туркистонни босиб олганидан кейин рўй берган бир воқеани ҳайратланиб ҳикоя қилади. Қовунчи қишлоғидан Тошкентдаги «зовудчи бой»га деҳқонлар туялар ва араваларга ортилган аллақанча пахта олиб келади. Ўрис «заводчи» пахта нархини ҳисоб-китоб қилгач, уларга қопга солинган чақа беради. Бу «сарт»ларни эрмак қилишнинг бир йўли эди. Деҳқонлар зил-замбил чақаларни аравага ортиб олиб кетадилар. Икки кундан кейин «сарт»лардан бири «заводчи»нинг ҳузурига келади. Бой «нима гап» деб сўраганида, деҳқон унга бир ҳовуч чақани узатади. «Тўрам, пулингизни санасак, бир ярим сўм ортиқ чиқди, шуни олиб келдим».

**_... Одам инсофли бўлиши учун тоғни урса талқон қиладиган паҳлавон бўлиши шарт эмас. Инсоф мажбуриятдан кўра кўпроқ ихтиёрийликка асосланади ва инсонийликнинг оддий кўриниши сифатида намоён бўлади._**

Шўро замонидан бери «ҳамманики ва ҳеч кимники эмас» бўлиб келаётган «дом»нинг ақалли ўзи турадиган зинасини супуриб қўйиш-у, бировнинг ҳақидан тийилиш ҳам, шифокор сифатида азоб чекаётган беморнинг бошида бир соат ортиқроқ ўтириш-у, муаллим сифатида мактабдан кўнгли совиган боланинг уйига бориб, ота-онаси билан бир лаҳза юракдан суҳбатлашиш ҳам, кўнгли ўксик бандага бир оғиз ширин сўз билан далда бериш-у, тансиқроқ таом пиширса, бетоб ётган қўшнисига бир қошиқ илиниш ҳам инсоф саналади. Бунақа мисолларни ҳар куни учратиш мумкин. Саҳарлаб ишга кетаётиб, бугун мен фалон-фалон юмушларни қилишим керак, деб кўнгилга тугиб қўйиш-у, оқшом ишдан қайтаётиб, зиммамдаги вазифани қай даражада адо этдим, дейиш ҳам, меҳнат таътилидан жилла қурса икки кун аввал қайтиб, шунча дам олганим етар, икки кунгина шу жамоам учун холис ишлаб бера қолай, дейиш ҳам инсоф дафтарига битилади. Янаям кенгроқ миқёсда оладиган бўлсак, Ватаним қай манзилга қараб кетаяпти-ю, юртимнинг муродмақсудига етиши учун мен қанчалик улуш қўшдим, деб ўйлаш ҳам, Мустақиллик менга нималар ато этди-ю, бу неъматни оқлаш учун мен нима қила олдим, деб ўзидан сўраш ҳам инсоф доирасига киради.

Яна ўша саволни такрорлашга тўғри келади. Ҳарқалай, инсоф деганни нима билан ўлчаган маъқул? Менимча, инсоф — иймоннинг амалдаги кўринишидир. Бошқачароқ қилиб айтадиган бўлсак, иймон — қонун, инсоф эса унинг ижроси! Инсон боласи ўз манфаатига мос келиш-келмаслигидан қатъи назар, бажариш лозим бўлган эзгу амалларни бажарса, ўз манфаатига мос келиш-келмаслигидан қатъи назар, қилиши мумкин бўлмаган ишлардан ўзини тийса, инсофли бўлади. Бундай инсонни иймонли, дейдилар. Одам бажариши лозим бўлган эзгу амаллардан манфаат тополмагани учун улардан воз кечса-ю, қилиш мумкин бўлмаган ишларни қилиб, шундан манфаат изласа, ноинсоф бўлади. Албатта, бунинг учун уни жазоламасликлари, қилмишлари гоҳ билиниб, гоҳ билинмаслиги ҳам мумкин. Бироқ барибир иймонга шикаст етади. Шунинг учун бундай бандани иймонсиз, дейдилар. Иймонсизлик эса барча разолатлар учун дарвозани ланг очиб қўйиш билан тенг! Шу маънода, Инсофни Иймон дарвозасининг посбони деса бўлади!

Сўзимизнинг бошида айтилган яна бир саволга қайтайлик. Инсоф нимадан бошланади? Инсоф ҳар бир инсоннинг ўзидан бошланади! Ҳар бандасидан — алоҳида!

Яқинда Хоразмга борганимизда бу ҳолатнинг тағин бир қиррасини топгандек бўлдим. Октябрнинг охирлари эди. «Боғот» ширкат хўжалигининг раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Машариф Қувоқов билан далаларни айландик. Хўжаликнинг ҳамма иши режали, ҳаммаси ботартиб. Пахтазорни кўрсангиз, ҳавасингиз келади. Пахталар чаноқдан тошиб ётибди. Бир қарич ер ҳам ишловсиз қолдирилмаган. Экин битмайдиган ўнқир-чўнқир зовур бўйларига тол, терак, жийдалар экиб ташланган. Оппоқ япроқлар орасида ёқутдек товланиб турган жийдаларни кўриб, болалигимга қайтиб қолгандек бўлдим.

— Ҳозир, айни шу тобда сизни нима ташвишга соляпти? – деб сўрадим раисдан.

— Салқин тушиб қолди, — деди Машариф ака ўйланиб. – Уч-тўрт кун олдин ёмғир ёғди...

Очиғини айтсам, кўнглимдан нохуш гап ўтди. «Назир отанинг ғазаби» бошланмаса эди, деб ўйладим инжиб. «Ўша» замонларда бундай саволларга бериладиган жавоб олдиндан маълум эди. Баайни Уйғун домланинг шеъридаги мункиллаган чол Назир отанинг ўзгинаси! «Менга деса тош ёғмайдими, барибир пахтани терамиз, бир дона ҳам чигитни қолдирмасдан ҳукуматга тўплаб берамиз!» Ҳозир ҳам шу гапни эшитмасам эди, деб юрагим зириллаб турганида Машариф ака ўйчанлик билан давом этди.

— Ўша кеча ўзим ҳам совқотиб уйғониб кетдим. Теримда ҳашарчилар бор. Ҳунар-техника коллежининг талабалари. Шулар совқотиб қолмасин, деб ҳалакман. Булар ҳам ўзимнинг болаларим-да. Шамоллаб қолса, ўзим куяман. Совуқ тушмасидан печка ўрнатиб қўйсакмикан...

Машариф акага ҳурматим ўн чандон ошди! Шунда бир фикр ҳаёлимдан ўтди. Инсоф дегани, энг аввало, ўзингга раво кўрмаган нарсани бировга ҳам раво кўрма, деган тушунчадан бошланар экан!

# ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК КАФОЛАТИ

**«Халқ сўзи ва «Народное слово» газетхонларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси, ички хизмат генерал-майори Равшан ҲАЙДАРОВ билан бевосита мулоқоти**

*Мулоқот учун ҳозирланган залда бошқарма бошлиқлари, мутахассис кадрлар белгиланган пайтда тўпландилар. Қайси мавзуда саволлар кўп бўлади? Улар бир-бирини такрорлаб қолмасмикан?» деган фикр тинчлик бермасди. Чунки мустақиллик меваси ҳисобланмиш божхона тизими хизматидан ҳамма ҳам фойдаланмаган бўлиши мумкин эди-да. Бироқ ҳеч қанча вақт ўтмай, бу хавотир тарқала бошлади. Негаки, телефон қўнғироқлари бирин-кетин жаранглайверди...*

**Жобир АТОЕВ, Бухоро вилояти:**

***— Ҳиндистон билан ҳамкорликда ташкил этилган «Гуфик-Авицена» қўшма корхонамиз 50 х 50 асосда фаолият кўрсатиб келмоқда. Янги қарорда «ЎзФармсаноат» таркибига кирувчи корхоналарга қатор имтиёзлар берилган. Аммо бизнинг қўшма корхонамиз «ЎзФармсаноат» таркибига кирмаганлиги учун қўшимча қиймат солиғи(ҚҚС)дан озод қилинадими-йўқми?***

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 307-сонли қарорига асосан, республикамиз ҳудудига келтирилаётган дорилар ва медицина учун мўлжалланган буюмлар қўшимча қиймат солиғидан озод этилган.

**Қаҳрамон ЖУМАНИЁЗОВ, Урганч шаҳри:**

***— Ассалому алайкум, ҳурматли раис. Мен ҳозирда Тошкентдаги ҳарбий касбга йўналтирилган лицейнинг 11-синфида ўқийман.***

***Божхона коллежига ўқишга кирмоқчи эдим, лекин эшитишимга кўра, яқинда Божхона академияси ҳам очилар экан. Ушбу академияга ўқишга ҳужжатларимни топширсам бўладими?***

— Аввало, ниятингиз яхши экан, омад ёр бўлсин. Бизнинг коллежимизга жисмоний бақувват йигитлар керак. Сиз божхона коллежига ўқишга кириб, уни битирганингиздан кейин танлов асосида бўлғуси академиямизга қабул қилинишингиз мумкин. Чунки академиямиз 2003 йилнинг 1 сентябридан очилиши мўлжалланган.

**Наим ШАРИПОВ, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри:**

***— Қариндошларимиз Қозоғистон Республикасида туришади. Тўй-ҳашам, маросимларда бориб келишда баъзан қийинчиликлар туғилмоқда. Сабаби — «Ғишткўприк» божхона постидан кечқурун маълум вақтдан сўнг ўтиб бўлмайди. Ушбу муаммони ҳал қилишнинг имкони борми?***

— Саволингиз ўринли, ҳозирда Ўзбекистон ва Қозоғистон республикалари ўртасида давлат чегараларини аниқ белгилаш жараёни кетмоқда. Баъзи бировлар чегаранинг вақтли ёпилганидан ғараз мақсадларини амалга оширишга ҳаракат қилишмоқда. Таъкидлаб ўтишим керакки, ҳозирда бу масала юзасидан комиссия иш олиб бормоқда. Яқин

> **МУЛОҲАЗА УЧУН МАЪЛУМОТ**
>
> **Республика божхона идоралари томонидан жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, ички истеъмол бозорни ҳимоя қилиш ҳамда давлат бюджетини бойитиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди.**
>
> **Шу даврда фискал вазифаларнинг бажарилиши таъминланиб, давлат бюджетига 138,5 миллиард (шу жумладан, 3-чоракда 49,5 миллиард) сўм маблағ ўтказилди.**

фурсат ичида муаммо ўз ечимини топиб, «Ғишткўприк» божхона мажмуасининг кечаю-кундуз ишлашини таъминламоқчимиз.

***— Ҳурматли Равшан ака, ижозатингиз билан иккинчи саволимни ҳам айтсам.***

— Марҳамат

***— Тошкент вилоятида жойлашган Саидакбар Нажимов («Майский») номидаги божхона постидан ўтиб-қайтишда ҳам баъзи бир қийинчиликлар бор. Яъни у ерда назоратдан ўтиш учун уч, тўрт соатлаб кутишга тўғри келади.***

— Тўғри, мазкур постда аҳвол унча яхши эмас. Биз бу борада иш олиб боряпмиз, лекин Қозоғистон томони ҳали бунга тайёр эмас. Яқин келажакда «Ғишткўприк» божхона мажмуаси ҳудудида икки гектардан иборат автомобиллар тўхташ жойи ва йўлини ташкил этиш ниятидамиз. Бу эса автомобилларнинг қатнаши учун қулайликлар яратади, вақт тежалади. Келгусида сиз айтган постда ҳам шароит яратиш режамизда бор.

**Шарофат МАЛАХОНОВА, Жиззах вилояти:**

***— Равшан Ҳайдарович! Менинг ҳам саволим, ҳам тилагим бор. Қонун устуворлиги борасидаги ишларингиздан халқимиз миннатдор. Бундан кейин ҳам божхона тизимига юртини, миллатини, ўз касб-корини ардоқлайдиган, ғурури баланд, ҳалол, пок ёшларни жалб этишларингизни истар эдим.***

— Раҳмат, биз буларнинг ҳаммасини ҳисобга оламиз, иқтидорли ёшларимизга ёрдам беришга ҳар доим тайёрмиз.

***— Энди саволимга келсак, 1977 йилда туғилган ўғлим бор. Олий маълумотли ҳуқуқшунос. Давлат божхона қўмитасида ишлашни орзу қилади. Шунга қандай маслаҳат бера оласиз?***

— Агар ҳақиқатан ҳам, ўғлингиз божхона хизматига меҳр қўйган экан, менинг номимга ариза билан мурожаат қилиши мумкин. ДБҚ кадрлар бошқармаси томонидан ҳужжатлар синчковлик билан ўрганилгач, талаб даражасига жавоб бера олса, хизматга олиниши мумкин.

**Тўлқин САМАДОВ, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани:**

***— Жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун чет давлатлардан озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари қанча миқдорда олиб кирилиши мумкин ва қандай тартибда?***

— Жисмоний шахслар олиб келаётган товарлари, ҳақиқатан ҳам, ўз эҳтиёжлари учунлиги тасдиқланса, у ҳолда 1000 АҚШ долларигача бўлган миқдордаги маҳсулотларни (акциз солиғига тушган товарларга белгиланган меъёрлардан ортиқчаси бундан мустасно) ҳеч қандай тўловларсиз олиб келишлари мумкин. Маҳсулотнинг умумий баҳоси 1000 АҚШ доллари миқдоридан ошган ҳолатда божхона юк баённомаси тўлдирилиши шарт.

**Муроджон СОБИРОВ, Тошкент шаҳри:**

***— Икки йил аввал Фарғона вилояти божхона бошқармасида хизмат қилганман. Оилавий шароитим туфайли ўз аризамга биноан ишдан бўшаган эдим. Яна қайта божхона тизимида хизмат қилиш ниятим бор. Менга қандай маслаҳат берасиз?***

— Ҳозирда ишлаётган корхонангиздан ижобий тавсифномаларга эга бўлган тақдирингизда менинг номимга ариза ёзасиз.ДБҚ кадрлар бошқармаси билан биргаликда мурожаатингизни ўрганиб чиқамиз, имкон қадар ижобий ҳал қилиш ҳаракатини кўрамиз.

**Тоҳир БОЙДАДАЕВ, Наманган вилояти:**

***— Хусусий тадбиркор бўлганлигим учун ҳам саволим шунга оид. Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 августдаги 295-сонли қарорида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ноозиқ-овқат импорт товарлар учун унинг қийматининг 70 фоизи миқдорида ягона бож солиғи ундирилиши белгилаб қўйилган. Лекин яқинда Андижон вилояти божхона бошқармасида расмийлаштириш чоғида мендан 20 хилдаги канцелярия товарлари учун ундан анчагина кўп миқдорда бож тўлови талаб қилишди. Айтингчи, бир хил товарга бошқача, кўп хил товарга бошқача миқдорда бож ундириладими?***

**Тушунарли бўлиши учун изоҳ бераман. Масалан, 100 минг сўмлик товарим учун аввалига 750 минг сўм бож белгилашди. Сабаби — товарларимнинг суммасига эмас, турига қараб тўлармишман. Шу тўғрими?**

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 сентябрдаги 335-сонли қарорига мувофиқ, тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахслардан товарнинг ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси кодидан, товарнинг тоифалари бўйича божсиз олиб кириш меъёрлари қўлланилмаган ҳолда товарнинг қийматидан эмас, балки «Бож тарифи тўғрисида» ги Қонунга асосан, божхона тўловларини ҳисоблаш учун аниқланадиган божхона қийматидан:

— озиқ-овқат товарлари (ун маҳсулотларидан ташқари) бўйича 40 фоиз;

— ноозиқ-овқат товарлари бўйича 70 фоиз;

тижорат фаолияти учун мўлжалланган ун олиб келишда (0 — ноль) ставка миқдорида ягона божхона тўлови ундирилади.

**Тоҳир АЙМАТОВ, Сурхондарё вилояти:**

***— Сизга шундай савол билан мурожаат қилмоқчи эдим. Тожикистон Республикасига ўз техникам учун эҳтиёт қисмлар харид қилиш мақсадида бормоқчи эдим. Эҳтиёт қисмларни олиб қайтишда божхона тўловларини тўлайманми ва қайси тартибда?***

— Ўз эҳтиёжингиз учун олиб келинаётган техника эҳтиёт қисмлари, ҳақиқатан ҳам, ўз эҳтиёжингиз учун эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлган тақдирда, 1000 АҚШ долларигача бўлган миқдордаги маҳсулотларни ҳеч қандай тўловларсиз олиб келишингиз мумкин. Агар у 1000 АҚШ долларидан ошган тақдирда эса божхона юк баённомасини тўлдиришингиз шарт.

**Мухтор ГИЛМАНОВ, Тошкент шаҳри:**

***— Ассалому алайкум, мен «Ўзбекбирлашув» ҳиссадорлик компаниясида ишлайман. Бизда божхона тизими шакллангандан буён «растамошка» билан шуғулланаман. Кейинги йилларда растамошка анча такомиллашди лекин, ҳали-ҳануз вагонга ортилган юкларимиз назоратдан ўтказиш чоғида уч кунлаб тўхталиб қолади. Бу эса ташкилотга молиявий зарар етказади. Ушбу муддатни қисқартиришнинг имкони борми?***

— Саволингиз ўринли, биз сертификат берувчи 4 та ташкилотни ҳамкорликка чорлаб, яқин келажакда божхона терминалларида мазкур ташкилотларни жойлаштиришни мўлжалламоқдамиз. Бу эса товарларни ўз вақтида расмийлаштириш, барча тўловларни тез ва сифатли даражада тўлаш имкониятини беради.

**Эркин РАҲМАТОВ, Тожикистон Республикаси:**

***— Россия Федерациясидан Тожикистон Республикасига пиво маҳсулотини импорт қилмоқчиман. Ушбу товарни Ўзбекистон Республикаси орқали темир йўл транспортида транзит тартибида олиб ўтиш мумкинми?***

— Амалдаги божхона қонунчилигига кўра, пиво маҳсулотини республика ҳудуди орқали транзит тартибида олиб ўтиш тақиқланмаган. Аммо пиво маҳсулоти алкоголь товарлар турига мансублигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 августдаги «Алкоголли ва тамаки маҳсулотларини четдан келтириш, ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 331-сонли қарорига мувофиқ, уларни Ўзбекистон Республикаси орқали транзит тартибида олиб ўтиш фақат Вазирлар Маҳкамасининг тегишли рухсатномаси асосида амалга оширилади.

Транзит товарларни божхона расмийлаштируви учун Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 апрелдаги «Божхона йиғимлари ставкалари тўғрисида»ги 204-сонли қарорига мувофиқ божхона юк баённомасининг асосий варағи учун 10 ЕВРО ва ҳар бир қўшимча варағи учун 5 ЕВРО эквиваленти миқдорида божхона йиғимлари ундирилади.

**Қўшимча:** Вазирлар Маҳкамасининг 509-қарорига асосан, транзит режимида ўтаётган товарлар акциз солиғи ставкасига лойиқ суммаси эркин муомаладаги валюта (СКВ)да депозитга олинади ва юк чиқиб кетгандан сўнг тадбиркорнинг аризасига асосан бу сумма қайтарилиши кўзда тутилган.

**Баҳодир ЙЎЛДОШЕВ, Тошкент шаҳри:**

***— Россия Федерациясидан янги автомобилни ўз эҳтиёжим учун олиб келсам, қанча божхона тўловлари тўлашим лозим бўлади? Тижорат мақсадида олиб келинса-чи?***

— Жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжи учун олиб келинадиган янги енгил автомобилларга божхона тўловларини ундириш унинг божхона қиймати, қайси давлатда ишлаб чиқарилгани, ишлаб чиқарилган вақти ва бошқа шу каби кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда ҳисобланади. Шунинг учун олиб кирилаётган автомобиль ҳақида тўлиқ маълумот божхона идораларига тақдим этилса, аниқ жавоблар олишингиз мумкин.

**Қўшимча:** агар Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган янги енгил автомашина ўз эҳтиёжи учун олиб келинса, божхонага оид қонун-қоидаларга асосан, божхона қиймати аниқланган ҳолда, 1000 АҚШ долларида имтиёз берилиб (расмийлаштирув кунидаги Марказий банк томонидан берилган курс бўйича сўмда) ва қолган суммасидан 20 фоиз жисмоний шахслардан ундириладиган йиғим, 20 фоиз ҚҚС *(қўшимча қиймат солиғи)* ва 5 фоиз акциз солиғи ундирилади.

Агарда тижорат мақсадларида олиб келинса, 1000 АҚШ доллар миқдорида имтиёз берилмасдан, 70 фоиз ягона божхона тўлови ва 5 фоиз акциз солиғи ундирилади.

**Шуҳрат ИЗЗАТОВ, Андижон шаҳри:**

***— Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини технологик хомашё сифатида олиб кираётган юридик шахсларга бериладиган сертификат қандай тартибда амалга оширилади ва у қайси меъёрий ҳужжатда белгиланган?***

— Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини технологик хомашё сифатида олиб кираётган юридик шахсларга сертификат Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг масъул бўлинмалари томонидан берилади ва уни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2002 йил 25 сентябрда 1176-рақам билан рўйхатдан ўтган йўриқнома асосида амалга оширилади.

**Турсун ПЎЛАТОВ, Қорақалпоғистон Республикаси:**

***— Ортиқча тўланган божхона тўловларининг қайтарилиш тартиби божхона қонунчилиги билан белгиланганми?***

— Божхона кодексининг 113-моддасига асосан, ортиқча тўланган ёки ундирилган божхона тўловлари ушбу тўловларнинг ундирилган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида тўловчининг талабномаси бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қайтарилади ёки келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилиши мумкин.

**Жамол УЗОҚОВ, Фарғона вилояти:**

***— Жисмоний шахслар томонидан олиб келинаётган товарларга божхона тўловлари бўйича бериладиган имтиёзлар тўғрисида маълумот берсангиз?***

— Жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб келинаётган товарлар Адлия вазирлигидан 1996 йил 10 сентябрда 279-рақам билан рўйхатдан ўтган йўриқномаға асосан 1000 АҚШ доллари миқдоригача имтиёзли расмийлаштирилади.

Лекин Адлия вазирлигидан 2002 йил 4 июнда рўйхатдан ўтган «Республикамиз ҳудудига жисмоний шахслар томонидан олиб келинадиган товарларнинг мақсадини олдиндан аниқлаш тўғрисида»ги 1147-сонли тартибга асосан, божхона ходими халқаро меъёрлар ва амалиётлар бўйича товарнинг сони, товарнинг тез-тез олиб ўтилиши, жисмоний шахснинг сафарга бориб қайтишининг мақсадидан ва бошқа ҳолатлар бўйича олиб келинаётган товарларни ўз эҳтиёжи учун олиб келмаётганлигини аниқлаши мумкин.

Жисмоний шахслар ўз эҳтиёжлари учун олиб келадиган меъёрларидан ортиқ товарларга Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 сентябрдаги 327-сонли қарорига асосан, озиқ-овқат товарларининг божхона қийматидан 40 фоиз, ноозиқ-овқат товарларнинг божхона қийматидан 70 фоиз миқдорида ягона божхона тўлови ундирилади.

Акциз солиғига тортиладиган товарларга Адлия вазирлигининг 1998 йил 13 мартдаги 412-сонли йўриқномасида кўрсатилган меъёрлардан ортиқ товарларга имтиёз берилмасдан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 17 июндаги 215-сонли қарорида белгиланган ставкаларда акциз солиғи ундирилади.

**Шерали ШАРИПОВ, Навоий вилояти:**

***— Якка тартибда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, чакана савдо билан шуғулланишим мумкинми?***

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 августдаги 295-сонли қарорига асосан, республиканинг буюм бозорларида импорт истеъмол товарлари фақат юридик шахс ташкил этмасдан якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган ва экспорт-импорт операцияларини ҳамда чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар томонидан республика ҳудудига товарлар улар томонидан олиб келинганлигини, мувофиқлик сертификатларини, божхона тўловлари ва қатъий белгиланган солиқ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда сотилишига йўл қўйилади.

**Дилноза СОБИРОВА, Тошкент шаҳри:**

***— Юридик шахслар томонидан олиб келинган товарларга божхона тўловлари бўйича бериладиган имтиёзлар тўғрисида маълумот берсангиз?***

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги 3105-сонли Фармонининг 2-бандига мувофиқ, 2002 йил 1 августдан бошлаб истеъмол товарларини олиб келиш чоғида юридик шахслар томонидан божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар бекор қилинади. Лекин қуйидаги 8 та ҳолатда олиб келинадиган истеъмол товарларига божхона тўловлари бўйича берилган имтиёзлар сақланиб қолинади: импорт бўйича олиб келинадиган дори-дармонлар ва тиббий аҳамиятдаги буюмлар; инсонпарварлик ёрдами сифатида олиб келинадиган товарлар; олиб келинадиган компьютер техникаси ва унинг бутловчи қисмлари, дастурий воситалар; эркин савдо режими ўрнатилган давлатларда ишлаб чиқарилган ва олиб келинадиган товарлар; Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан ёки унинг кафолати остида тузилган ҳукуматлараро

> **МУЛОҲАЗА УЧУН МАЪЛУМОТ**
>
> **Юқорида қайд этилган ҳолатлар бўйича жорий йилнинг 9 ойида 218 тоннага яқин дон маҳсулотлари 153 тоннадан зиёд ун, 37 минг литр ўсимлик ёғи, 24 тонна гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 9 ярим тонна чой, 12 тоннага яқин макарон маҳсулотлари, 17 минг литр спирт, 626 бош чорва моллари ҳамда 261 тонна минерал ўғитлар ва бошқа товар- моддий бойликларни республика ҳудудидан ноқонуний равишда олиб чиқиб кетишининг олди олинди.**

ва кредит битимлари бўйича етказиб бериладиган товарлар; кўргазмалар учун экспонатлар, реклама ва тақдимотлар сифатида олиб келинадиган товарлар; Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ёки халқаро шартномалари асосида пошлинасиз олиб келиш ҳуқуқига эга бўлган хорижий давлатлар вакиллари, жисмоний шахслар томонидан расмий ёки шахсий фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб келинадиган товарлар.

**Азамат ЗАРИПОВ, Навоий вилояти:**

***— Товарларнинг расмийлаштирилишида божхона тўловларини узайтириш ёки кечиктириб тўлаш учун бериладиган имтиёз борми?***

— Ўзбекистон Республикаси «Божхона кодекси»нинг 110 ва 111-моддаларига мувофиқ, божхона тўловларини тўлаш муддатини узайтириш ва кечиктириш хўжалик субъектларига бериладиган имтиёз бўлиб, бу божхона қонун ҳужжатларига амал қилиш шарти билан берилади.

Божхона тўловларини тўлаш муддатини узайтириш ва кечиктириш имтиёзини олиш учун божхона органига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

— хўжалик субъектининг бланкасида белгиланган тартибда расмийлаштирилган кафолат хати тарзидаги ариза;

— божхона тўловларини таъминлашни тасдиқловчи ҳужжат (товарни гаровга қўйиш, банк кафолати ва тўловнинг учинчи шахс томонидан таъминланиши);

— хизмат кўрсатувчи банкнинг мазкур хўжалик субъектининг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағида маблағлар йўқлиги тўғрисидаги маълумотномаси;

— контракт ва тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари суммасининг ҳисоб-китоби нусхалари.

Муддатни узайтириш ёки кечиктириш, тўлов миқдоридан қатъи назар, божхона юк декларацияси қабул қилинган кундан икки ойдан ошмаслиги керак.

Муддатни узайтириш ёки кечиктириш имтиёзи берилганлиги учун фоизлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси — сўмда амалга оширилади.

Тўловчи тўланиши лозим бўлган божхона тўловларини ва муддати узайтирилганлиги ёки кечиктирилганлиги учун фоизларни белгиланган муддатда тўламаган тақдирда, бож қимманданинг бутун суммаси, шунингдек, тўлов кечиктирилганлиги учун пеняни божхона органи сўзсиз тартибда ундириб олади.

**Фарҳод ҲАЗРАТҚУЛОВ, Қашқадарё вилояти:**

***— Корхонамизнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Украинадан асбоб-ускуна ва материаллар олиб келинди. Аммо ҳозирги кунда ушбу материалларнинг айримлари истеъмол товарлари деб ҳисобланиб, улар учун қўшимча 20 фоиз миқдорида тўлов талаб этилмоқда. Шу тўғрими? Ахир ушбу материаллар бозорда сотиш учун эмас, балки ишлаб чиқариш учун олиб келинмоқда-ку!?***

— Ҳақиқатдан ҳам, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 сентябрдаги 327-сонли қарорига асосан, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари юридик шахслар томонидан импорт қилинганда 20 фоиз миқдорида эркин курс бўйича миллий валюта — сўмда ундирилади.

Аммо Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 20 августдаги 295-сонли қарорига асосан, импорт қилинган материаллар технологик хомашё сифатида олиб келинганлигини тасдиқловчи сертификат тақдим этилганда ушбу импорт йиғими тўлашдан озод этилади. Мазкур сертификат эса Адлия вазирлигида 2002 йил 25 сентябрда 1176-рақам билан рўйхатга олинган тартибга асосан Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг ваколатли органи томонидан берилади.

**Адиба ТОЖИЕВА, Жиззах вилояти:**

***— Биз,бир гуруҳ хусусий тадбиркорлар республикамизга кичик партияда товарлар олиб келиш билан шуғулланамиз. Ҳозирги кунда сафарга отланмоқдамиз. Шу муносабат билан ўз молиявий имкониятларимизни чамалаб кўрмоқчимиз. Эшитишимизча, товарларнинг айримларига 70 фоиз, айримлари учун эса 40 фоиз божхона тўловлари тўлашимиз лозим экан. Шуларнинг аниқ рўйхати борми?***

— Ҳозирги кунда шундай аниқ рўйхат бор. Республикага олиб келинувчи истеъмол товарларининг рўйхати Адлия вазирлигида 2002 йил 25 сентябрда 1175-рақам билан қайд этилган ва газеталарда эълон қилинган. Ушбу рўйхатдаги озиқ-овқат товарлари учун 40 фоиз, ноозиқ-овқат товарлар учун 70 фоиз миқдорида ягона божхона тўлови тўланади. Сиз истаган божхона постида ушбу рўйхат билан танишиб, аниқ тушунча олишингиз мумкин.

**Рисолат РАҲМОНОВА, Сурхондарё вилояти:**

***— Қандай моддий- товар бойликларни Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тақиқланган?***

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871 сонли Фармонининг 4-иловасига асосан, 13 турдаги моддий-товар бойликлар Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилиши тақиқланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 февралдаги ПФ-2553-сонли Фармонига асосан, пилла хомашёси олиб чиқилиши ҳам тақиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 майдаги ПФ-3077-сонли Фармонига асосан, қуруқ сут, чой, чой хомашёси ва этил спирти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сонли Фармонининг 4 иловасидан чиқарилди.



СУРАТДА: мулоқот пайти.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

**Аброр МАШАРИПОВ, Фарғона вилояти:**

**— Нақд хорижий валюталарни олиб кириш ва олиб чиқиш қайси меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган?**

— Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 20 мартдаги 1979-сонли «Нақд хорижий валютани жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришни ва олиб чиқишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 1998 йил 23 сентябрдаги 2079-сонли «Жисмоний шахсларнинг хорижий валюталардаги ҳиссаларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 1999 йил 7 майда 716-сон билан Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган «Нақд хорижий валютани жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби» талаблари асосида амалга оширилади.

**Нилуфар РАҲМАТОВА, Самарқанд вилояти:**

***— Ўзбекистон фуқароси (резидентлар) ҳеч қандай ҳужжатларсиз, эркин тарзда ўзи билан қанча нақд хорижий валюта олиб чиқиши ва олиб кириши мумкин?***

— Ўзбекистон фуқароси (резидентлар) ўзи билан 1500 АҚШ долларига тенг миқдорда валюта олиб чиқиши ва чекланмаган миқдорда валюта олиб кириши мумкин. Олиб кирилаётган ва олиб чиқилаётган валюталар Т-6 формадаги божхона декларациясида кўрсатилиши керак.

**Қаҳрамон УЗОҚОВ, Тошкент вилояти:**

**— Чет эл фуқароси (норезидентлар) ўзи билан қанча миқдорда нақд хорижий валюта олиб кириш ва олиб чиқиш ҳуқуқига эга?**

— Чет эл фуқароси(норезидентлар) чекланмаган миқдорда нақд хорижий валюта олиб кириш ҳуқуқига эга. Валюта олиб кириш вақтида фуқаро томонидан Т-6 божхона декларацияси тўлдирилиб, унга ўзи билан олиб кираётган валюта миқдорини кўрсатади. 5000 АҚШ долларидан кўп миқдорда олиб кирилаётганда божхона ходими томонидан ТС-28 гувоҳномаси тўлдирилади, сўнг валюта олиб чиқиш ҳуқуқи берилади.

**Йўлдош АВАЗБЕКОВ, Гулистон шаҳри:**

***— Товарларни декларация қилишда уларнинг код рақамларини кўрсатиш лозим. Декларацияни тўлдиришдан олдин Давлат божхона қўмитасидан товарнинг кодини аниқлаш борасида ёрдам олиш мумкинми? Мумкин бўлса, тадбиркорлар қаерга мурожаат этишлари лозим?***

— Божхона кодексининг 114, 115,116-моддаларига биноан, божхона органлари товарларнинг ТИФ ТН бўйича классификацияланиши борасида дастлабки қарор қабул қилишлари ва унинг код рақамини аниқлаб беришлари мумкин. Бунда буюртмачи томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 апрелдаги 204-сонли қарорига мувофиқ, ҳар бир товар учун банк курси бўйича сўмларда 50 ЕВРО миқдорида йиғим тўланади. Давлат божхона қўмитасида товарларнинг код рақамаларини назорат қилиш билан марказий божхона лабораторияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари шуғулланади. Шунинг учун ўзингизни қизиқтирган товарнинг ТИФ ТН бўйича кодини аниқлаш борасида марказий божхона лабораториясига мурожаат этишингиз мумкин.

**Бахтиёр РЎЗИЕВ, Тошкент вилояти:**

***— Фирмамиз 10 йилдан буён Россиядан ёғоч маҳсулотлари олиб келиш билан шуғулланади. Биз божхона постларига доим кириб-чиқиш сертификати тақдим этардик. Аммо ҳозирги кунда ушбу маҳсулотимизга мувофиқлик сертификати ҳам талаб этилмоқда. Бу қайси қонун ҳужжатида кўрсатилган? Илгари бундай талаб йўқ эди-ку?***

— Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 20 августдаги 295-сонли қарорига асосан, 1 октябрдан бошлаб барча турдаги истеъмол товарлари учун

> **МУЛОҲАЗА УЧУН МАЪЛУМОТ**
>
> **Олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида ўтган 9 ой давомида 823 ҳолатда 499 тонна рангли металл ва уларнинг парчаларини ноқонуний олиб чиқилишига чек қўйилди. Нефть ва нефть маҳсулотларини республика ҳудудидан ноқонуний равишда олиб чиқилишининг олдини олиш борасида божхоначилар томонидан чора-тадбирлар давом эттирилиб, 2000 дан ортиқ ҳолатда ноқонуний тарзда олиб кетилмоқчи бўлинган 665 минг литрга яқин нефть маҳсулотлари тўхтатилган.**
>
> **Акциз маркаларисиз кириб келаётган 65 минг литрга яқин спиртли ичимликлар ва 752 минг пачка тамаки маҳсулотлари ушлаб қолинди.**

мувофиқлик сертификати тақдим этилган тақдирдагина божхона расмийлаштируви амалга оширилиши мумкин.

Ёғоч маҳсулотлари Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 25 сентябрда 1175-рақам билан қайд этилган истеъмол товарлари рўйхатига киритилмаган. Шу муносабат билан ушбу товарнинг божхона расмийлаштируви вақтида мувофиқлик сертификати талаб этилмайди.

**Норпўлат ТЎХТАМУРОДОВ, Андижон вилояти:**

***— Жаноб раис,кўнглингизга келмаса, бир саволга жавоб сўрамоқчиман. Яъни божхона тизимида хизмат қилаётган нопок ходимларга нисбатан қандай чоралар кўрилади?***

— Божхона тизимида хизмат қилиб, ўз мансабини суиистеъмол қилувчи, шахсий манфаатлари йўлида турли нопок ишларга қўл урувчи айрим ходимларга кескин чоралар кўрилиб, айбдорларга нисбатан уларни ишдан бўшатиш, ҳатто жиноий жавобгарликка тортиш учун терговорганларига мурожаат қилинади. Яна шуни айтиш керакки, 2002 йил «Ўзбекистон Республикаси божхона органларида жиноятчилик ва порахўрликка қарши кураш йили» деб эълон қилинган ва бу борада жойларда бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ҳар доим ходимлар билан ўтказиладиган йиғилишларда, учрашувларда ва бошқа тадбирларда уларга ўз хизмат вазифаларига виждонан ёндашишлари лозимлиги, таъмагирлик ва порахўрлик Ватанга, халққа ва қолаверса, оила аъзоларига ҳам хиёнат эканлиги ҳақида кўп таъкидланади. Раҳбарият томонидан шу йўналишдаги муаммоларга жиддий эътибор бериб борилади. ДБҚ махсус инспекцияси томонидан бундай нопок ходимларга нисбатан кескин чоралар кўрилади, хизмат текширувлари ўтказилиб, тегишли хулосалар чиқарилади. Мазкур йилнинг 9 ойи мобайнида 146 ходим божхона идоралари хизматидан бўшатилган бўлса, шундан 35 нафари божхона ходими шаънига доғ туширганлиги учун, 6 нафари эса судланганлиги учун бўшатилган. Содир этган қилмишлари учун жиноий жавобгарликка тортилган ходимлар эса 50 нафарни ташкил этади.

**Собир БОЙМУРОДОВ, Сирдарё вилояти:**

***— Фарзандим келгусида божхоначи бўлмоқчи. Бу соҳада ишлаш учун қандай маълумотга эга бўлиш керак?***

— Келгусида божхоначи бўламан, деб орзу қилаётган ёшлар учун 1998 йилдан буён қўмитанинг божхона коллежи фаолият кўрсатиб турибди. Ўрта маълумотга эга, ёши 23 гача бўлган йигит-қизлар мазкур ҳарбийлаштирилган масканда замонавий билимлар негизида ўрта махсус маълумотга эга бўладилар. Кейинчалик олий маълумотли бўлиш истагини билдирган ходимлар Солиқ ва божхона органлари академиясида таҳсил олишлари мумкин.

**Бобур ЮСУПОВ, Фарғона вилояти:**

***— Айрим ҳолларда постлардаги божхоначиларнинг фуқаролар билан носамимий муомалада бўлаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Бундай пайтда кимларга мурожаат қилиш мумкин?***

— Тўғри, айрим ҳолларда жойлардаги постлардаги божхоначилар томонидан фуқаролар билан носамимий ёки қўпол муомалада бўлишлари ҳақида ахборотлар келиб тушади. Бундай ҳолатларда тезкорлик билан раҳбарлар томонидан кескин чоралар кўрилади. Агар сиз ҳам шундай нохушликларнинг гувоҳи бўлсангиз, зудлик билан шу постнинг ўзидан туриб, «Ишонч телефонлари» орқали раҳбариятга мурожаат қилишингиз мумкин. «Ишонч телефон»лари рақамлари эса ҳар бир божхона постида мавжуд.

**Собит АВАЗОВ, Хоразм вилояти:**

***— Ҳурматли Равшан Ҳайдарович! Сизга ўз таклифимни айтмоқчи эдим. Ҳозирги кунда кўпчилик хусусий тадбиркорлар, айниқса, янги иш бошловчилар импорт-экспорт операцияларини амалга оширишда бир қатор қийинчиликларга дуч келишмоқда. Сабаби — янги қабул қилинган қонун ҳужжатларини, юкларни божхонада расмийлаштириш учун талаб этиладиган ҳужжатларни тўлиқ билмасликдир. Ҳамма буларни ўзича тушуниб, турли шахслардан маслаҳат олиб, иш юритмоқда. Натижада кўпгина тушунмовчилик ва хатоликлар бўлмоқда. Шу муносабат билан божхона томонидан тадбиркорлар учун уч-тўрт кунлик пуллик ўқув курслари ташкил этилиши мумкинми?***

— Бу фикрингиз жуда ўринли бўлди. Уни таклиф сифатида қабул қилиб, қисқа муддатларда ўрганиб чиқамиз ва бу ҳақда оммавий ахборот воситалари орқали хабар берамиз.

**Бевосита мулоқотга ажратилган вақт тугади. Икки соат давомида кўплаб саволлар тушди. Газетхонлар томонидан таклиф-мулоҳазалар айтилди. Чегарадан ўтадиган тижоратчи, сайёҳ,оддий фуқаро, аввало, божхоначига рўбарў келиб, ўша юрт фарзандлари ҳақида дастлабки фикрни олиши учун ҳам бу касбдагилар ҳалол ,покиза, маданиятли, маърифатли, ватанпарвар бўлмоғи ҳақида гап борди. Тизимдаги ёш, иқтидорли кадрларни қўллаб-қувватлаш, уларни раҳбарлик лавозимларига тайинлаш ҳақидаги истаклар бот-бот айтиб турилди. Божхона тизимини порахўрлик, таъмагирлик иллатларидан халос этиш учун яна нималар қилиш юзасидан қизғин баҳс юритилди...**

**Қурбон ЭШМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

> **МУЛОҚОТ ДАВОМ ЭТАДИ**
>
> **Навбатдаги мулоқот Ўзбекистон Республикаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Музаффарбек Азимович СОБИРОВ билан шу йилнинг 2 декабрь куни ўтказилади. Телефонларимиз 136-36-65, 136-10-65, 139-18-83. Факс: 132-09-03.**

# Номингдан айланай, Ўзбекистоним!

*Йиллар йиқолмаган минорларим бор,*
*Зўрлар йиқолмаган чинорларим бор.*
*Эрк учун жон берган сарбадорларим,*
*Конигилда қолган асрорларим бор.*
*Жисм ила жонимдан сизган достоним,*
*Номингдан айланай, Ўзбекистоним!*

*Тошкентим, нону шон*
*овозасисан,*
*Ўзбеклар диёрин дарвозасисан,*
*Темурни қўллаган қуламас*
*тахтим,*
*Ер юзин сайқали жон*
*Самарқандим!*
*Бугуним, эртамга банду*
*банд жоним,*
*Номингдан айланай, Ўзбекистоним!*

*Водийни гул қилди уч паҳлавоним,*
*Фарғона, Наманган, жон Андижоним.*
*Қашқаю Сурхоним Воҳанинг кўрки,*
*Дониш Бухоронинг ўзида эрки.*
*Гули хазон бўлмас мангу бўстоним,*
*Номингдан айланай, Ўзбекистоним.*

*Қонида қўшиқлар оққан Хоразм,*
*Жиззаху Сирларинг кўркаму азим.*
*Етти қават ери зар Навоий ҳам,*
*Қорақалпоқ эли бари бўлди жам.*
*Камолинг тан олди рўйи жаҳоним,*
*Номингдан айланай, Ўзбекистоним!*

**Хосият БОБОМУРОДОВА.**



*— ... ана шунақа гаплар.*
*— Йўғе, ё тавба...*

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ** олган сурат-лавҳа.

Мулоҳаза

# Тўйда йўқотилган мухлис

*Яқин танишларимиздан бири тўйга таклифнома ташлаб кетди.*

*— Барнохонниям олиб боринг, — қаттиқ тайинлади аёл. — Жой бемалол. Бир Тошканнинг тўйларини кўриб кетсинлар.*

*Айтилган кун келди. Синглим тўйга боришга истиҳола қилди:*

*— Опа, ноқулай бўлмасмикан? Бормасам қандоқ бўлади?*

*— Юр, тўйга сен яхши кўрадиган барча артистлар келишади. Маза қилиб дам олиб келасан.*

*Хуллас, икковлон тўйга отландик. Тўй эгалари бизни илиқ қаршилади.*

Куй-қўшиқ авжга минди. Даврани таниқли театр актёри бошқарарди. Аввал эътибор бермаган эканми, кутилмаганда синглим ҳайратини яширолмади:

— Даврани олиб бораётган ... ку!

— Ҳали бу бошланиши, энди барча артистларни кўраверасан.

"Даврабоши" тинмай гапирар, шеърлар ўқир, келин-куёвнинг ота-оналари ҳақида ҳамду санолар айтарди. Бир пайт қариндош-уруғлар бир қатор бўлиб бошловчига пул қистириш учун чиқишди.

— Раҳмат, раҳмат, кам бўлманглар. Ишонаманки, бу давра тўй охиригача бир неча бор такрорланади. Ҳиммати баланд кишилар эканлигингиз шундоқ ҳам кўриниб турибди. Ҳали қудабуваларнинг дўпписи ерга тушса, пул бериб олдирадиган ғурури баланд бойвачча оғайнилари навбат кутиб туришибди.

У қўлига тутқазилаётган пулларни пешма-пеш чўнтагига соларкан, тинмай қуллуқ қиларди.

— Опа, Тошкентнинг тўйида ёшлар сўзга таклиф қилинмайдими? Фақат уларнинг ота-оналари ҳақида гапириляпти-ю...

— Шаҳарда отасининг пули роль ўйнайди. Артистлар ҳам билиб қолишган. «Қассобга мой қайғуси, эчкига жон» дегандай, булар пул қайғусида.

Ёнимиздаги стулда ўтирган ўрта ёшлардаги киши суҳбатимизга аралашди:

— Бу ҳали бошланиши.

Ҳақиқатан ҳам, шундай бўлди. Боядан буён ўртакашлик қилаётган "артис"нинг зўрма-зўраки мақтовлари авжга минди. Айниқса, даврага чиққан айрим актёрларнинг бачкана қилиқларидан ҳайрону лол ўтирган синглим бирданига: "Вой, ўлмасам! Улар кимлар?!" дея рақс тушаётган аёлларга ишора қилди.

Даврада ёшлари 45-50 лар оралиғидаги ўн беш чоғли "вечерное платье" кийган аёллар берилиб арабча рақсга тушишарди. Уларнинг кийимлари тасаввуримиздаги рўдапога ўхшаб кетарди. Этаги деярли ерга тегиб турган ялтироқ матодан тикилган кўйлак турфа рангли олтин, бироқ лаққа балиқларни эслатарди. Аёлларнинг нафақат елкалари, балки кураклари ҳам очиқ. Улар арабча рақсга монанд ҳаракат қилганларида ўзида бел борлигини аллақачон унутган, тана беўхшов билтанглайди. Сув тўлдирилган шарга қиёслагулик билаклар эса, гўё елпиғич мисол у ён-бу ён лапанглайди. Айниқса, очиқ елкаларда битган этларнинг мусиқа оҳангидан лорсиллашини айтмайсизми?!

— Бу аёллар ресторанга тўйга борамиз, дея астойдил тайёргарлик кўришган чоғи, — деди қаршимизда ўтирган аёл ажаблангансимон. — Астағфурилло, тоат-ибодат қиладиган ёшда бачкаалик қилиб, арабча рақсга тушиб юрганига ўласанми?

— Опа, улар уйларидан шу тақлид ярим яланғоч келишганми?

— Йўқ, эгниларидаги костюмларини ечиб қўйишган. Буни атайин тўйга кийиш учун тиктиришган чоғи.

Куй тўхтади. Ҳар тугул келин ва куёвнинг дўстларига ҳам сўз тегди. Айтилган тилаклар ўртакашнинг талаби сабаб рақс билан "мих"ланадиган бўлди. Ёшлардан аввал даврада қуда холанинг бояги қариб қуйилмаган дугоналари пайдо бўлишди. Қўшиқ янгради.

Давомли қўшиқлардан сўнг навбат "севимли актрисамиз"га берилди.

Бир неча видеофильмларда, ҳатто "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" кўрсатувида ҳам роллар ўйнаган актрисанинг чиқиши синглимнинг кўнглидаги ғуборини тарқатиб юборди.

— Мен бу актрисани яхши кўраман. Гарчанд кўпроқ салбий роллар ижро этса-да, менга ёқади.

Опахон аввал тўй эгаларини, сўнг ёшларни табриклади. Сўнгра кутилмаганда аскияни бошлаб юборса бўладими?! Ора-сирада ўзи ижро этган роллардан монолог ҳам ўқийдими-ей...

— Ҳа, опахон, уялманг, опкелаверинг. Сиззи пенса пулиз табаррук. Ёнингиздаги бувижонниям етаклаб чиқинг. Қанча кўп бўлса, пулни зиёни йўқ. Келин-куёвларнинг аммажону холажонлари, бели маҳкам боғланган мард тоғаларию амакижонлари кўринишмаяптими? Вой-ей, боракансизлар-у! Ана ҳиммату мана ҳиммат! Аммажону холажонларнинг шаштлари пастроқми? Ҳа, энди улар эркакларни "босиб" чиқмайлик, деб истиҳола қилишаётгандирлар-да! Хо-хо-хо...Вой, ана эркаклар! Улар эркак-да, қўлларида даста пул билан чиқишяпти.Топганларингиз тўйга буюрсин. Биз хизматдан чарчамайлик.

— Опа, наҳотки бу ўша артист?! Ахир уларни эл танийди-ку, уларнинг бу қилиғи ошкора тиламчиликнинг ўзгинаси эмасми!

Улар ўз чўнтакларини ўйлашдан олдин обрўларини ўйламайдиларми? Ахир уларни одамлар яхши танийди. Эртага шулар қатнашган спектаклга ҳам, ролга ҳам одамларда ҳурмат қолмайди-ку! Наҳотки таниқлилик уларга масъулият юкламаса?!

Масъулият. Таниқлилик, машҳурлик масъулияти.

Синглимнинг куйинчаклик билан айтаётган гапларини эшитиб, бундан қарийб ўн йил олдинги бир тўй ёдимга тушди. Шоир Азим Суюн ўғилларига тўй қилди. Жамоамиз билан тўйга — Самарқанднинг Накрудига йўл олдик. Тоғлар бағрига жойлашган ушбу қишлоқда ўтган тўй гўё сайилни эслатарди.

Куй қўшиққа уланади. Даврабоши тўйга оиланинг яқин дўсти Дилафрўз Жабборова ҳам келганлигини эълон қилди. Назаримда, даврадагилар бироз ҳушёр тортгандек бўлишди. Халқ артисти асосан накрудликлар даврасида рақсга тушди. Пулдорларга муқом қилиш у ёқда турсин, улар томон қарамади ҳам. Самимий табассум, очиқ чеҳра, ўзига хос виқор аёлни янада гўзаллаштириб, тўғрироғи, буюклаштириб юборган эди. Тўрда "қўр" тўкиб ўтирганлар ҳам унинг ёнига келиб, раҳмат айтиб кетишарди. Ҳатто ўша куни тўйбошининг келинларидан бири унга қимматбаҳо палак совға қилди.

— Опажон, мен бу палакни шундоқ ололмайман. Пулини олинг.

— Йўқ, уят бўлади. Сиз бизнинг меҳмонимизсиз. Мен сиздай инсонга палак совға қилганим билан фахрланиб юраман.

Ишончим комилки, ўша кунги тўйда иштирок этган минглаб одамлар Дилафрўз Жабборовани кашф этишди.

Мен бу мақолани ёзишимдан мақсад кимнидир ёмонлаш, кимнидир кўкларга кўтариш эмас.Мени ўйлантирган, ёзишга ундаган нарса — «Айрим таниқли санъаткорларимиз тўй-ҳашамларда бачкана қилиқлари билан ўз обрўларини бой бериб қўймаяптиларми?» деган андиша. Ахир, улар театр саҳнасида, кино-телеэкранларда талқин этган образлари сабаб одамлар эътиборига тушишади.Уларни "артист" дея қадрлашади. Айниқса, драматик актёрларга халқимизнинг ҳурмати баланд.

— Опа, юринг, кетамиз. Яхшиям тўйга келибман. Келмаганимда уларнинг кимлигини билмаган, ўйнаган ролларини йиғлаб томоша қилган бўлардим.

Тўйда масхарабозлик қилган актёрлар ўша куни битта мухлисидан ажралишди.Балки бу фожиа эмасдир? Бироқ ҳар бир тўйда йўқотилаётган ўнлаб, юзлаб мухлислар-чи?

Тўй қилиб элга дастурхон ёзиш — ҳар бир ўзбекнинг эзгу аъмоли. Тўй эл суйган санъаткорларсиз, куй-қўшиқларсиз, қизиқчилигу аскияларсиз ўтмайди. Элининг тўю тантаналарида хизмат қилиш ҳар бир санъаткорга сурур бағишлайди. Бироқ мен бир оддий санъат ихлосманди сифатида тўйда эл таниган актёрларнинг чўнтак деб обрўсини, мухлисларини йўқотишларини... тушунмаяпман, сингдиролмаяпман. Сиз-чи?

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

Учрашув

*Инсоннинг узоқ умр кўриши учун тоза ҳаво, тан-сиҳатлик, етарли шарт-шароитни асосий омил, деб биламиз. Тўғри, буларсиз одамзоднинг ҳаёти меъёрида кечмайди. Аммо яна бир нарса борки, унингсиз умримиз беъмано, безавқ туюлади. Бу кулги, деган сўздир. Қўлимиздаги бармоқларнинг бири бўлмаса, хунук ҳолат намоён бўлганидек, ҳаёт ушбу тушунчасиз қуруқ ташвишлардан иборатдек кўринади. Биз қуйида "Ҳандалак"чилар — Ортиқ Султонов ҳамда Зокир Очилдиевлар ижоди хусусида сўз юритмоқчимиз.*

# «ҲАНДАЛАК» — УЗОҚ УМР ДЕМАК

Куладиган кўп, кулдирадиган кам, деган эди таниқли сўз усталаридан бири. Ҳақ гап. Лекин кулдиришнинг ҳам турли йўллари бор. Ўзи гапириб ўзи куладиган, беўхшов латифалари билан кулдиришнинг ўрнига асабни куйдирадиганлар ҳар қадамда учрайди.

— Шуни яхши англаб олишимиз керакки, — дейди "Ҳандалак"чилар, — қизиқчилик фақат латифабозликдан иборат эмас. Ҳаётда кулгибоп жиҳатлар ниҳоятда кўп. Фақат уни топа билиб томошабинга етказиш учун кишидан катта маҳорат ва матонат талаб этилади. Биз шуни назарда тутиб, одамларга кўринишга ҳаракат қиламиз.

"Ҳандалак" ижодкорлари ушбу сўзларини ўз чиқишларида исботламоқдалар. Атиги 25 дақиқа мобайнида эфирга узатиладиган мазкур тележурнал айрим "кулдиргич" кўрсатувлардан кескин фарқ қилади. Сохталик, бачканаликдан узоқда бўлган "Ҳандалак" ўз номи билан ширин.

Биз экранларда Чарли Чаплин, жаноб Бин ёки Юрий Никулинни кўрсак, беихтиёр кула бошлаймиз. Чунки улар ижро этган қиёфаларда характер бор, аниқлик мавжуд. Бундайлар кўп йиллар давомида тинимсиз меҳнат қилиб, ўз истеъдодларини санъат даражасига кўтарганлар. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, "Ҳандалак" чилар ҳам тўхтовсиз изланишлар натижаси ўлароқ, мухлис орттиришга муваффақ бўлди. Ундан олдинроқ "Марду майдон" кўрсатувининг "Аскар ҳангомалари"-саҳифасидаги чиқишлар ҳам эл оғзига тушиб улгурганди.

Шу ўринда бир савол туғилиши табиий: хўш, нега уларни ҳамма яхши кўради? Жавоб тайин: одамлар табиий, беғараз кулгини хуш кўришади. "Ҳандалак" ширин бўлиши учун "боғбон"лар доим "полиз" билан овора. Уларнинг "кетмон"лари китоб. Китобда эса ҳикмат кўп. Ўқиш-ўрганишсиз ҳеч қандай иқтидор кўкара олмаслиги ўз-ўзидан аён. Мазкур тележурнал ижодкорларининг айтишича, кўрсатувдан кўзланган асосий мақсад ўзбек қизиқчилигини латифабозликдан, қуруқ гапдан иборат эмаслигини кўрсатиш. Келгусида даврнинг долзарб муаммолари монолог, фельетонлар орқали очиб берилиши "Ҳандалак" режасига киритилади ва шу йўсинда бадиий, маънавий кулги яратишга ҳаракат қилинади.

Одамни кулдиришдан кўра йиғлатиш осонроқ. Қолаверса, ҳазилга ўч, аскияга чечан одамларимизни янги гап айтиб кулдириш ҳар қандай қизиқчининг ҳам қўлидан келавермайди. Нооддийлик билан ҳангомалашиб, соддагина, аммо топиб айтилаётган сўзлар "Ҳандалак"ка хос. Шу қўлдан берилмаса бўлгани.

***Мақсуд ЖОНИХОНОВ,***
***"Халқ сўзи" мухбири.***

*(Газетамизнинг навбатдаги сони 19 ноябрь, сешанба куни чиқади).*

# Хусусий соғломлаштириш мажмуи

Спорт деб яшаётганлар

*Минглаб кишиларга дард йўлатмайди, юзлаб чемпионлар тайёрлайди*

Абдумажид Ҳотамов йигирма йил савдо соҳасида ишлади. Бироқ дўкон қуриш, сотиб олишдан кўра, спорт мажмуи барпо этишни афзал билди.

Тадбиркор йигит эзгу ниятлар билан Навоий шаҳар ҳокимлигига учраб, кўнглидаги ниятларини тўкди. Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғи ҳудудида кўримсиз ҳолатга келиб қолган жойни ажратишни сўради. Ҳокимлик унинг ташаббусини маъқуллади. Қурилиш ва ободончилик ишларига кўмаклашди.

«Ҳашар — элга ярашар» деганларидек, ака-ука, қариндош-уруғлар маслаҳатлашиб муштни бир ерга уришди. Етмаганига шахсий «Нексия»сини сотиб қўшди. Хуллас, боғ ўртасида икки қаватли, ҳашаматли бино тикланди. Ҳозир вилоят армреслинг федерацияси президенти, спорт усталигига номзод, республика чемпиони Абдумажид Ҳотамов — ана шу спорт-соғломлаштириш мажмуи директори.

Вилоятдаги ягона хусусий спорт маркази ташқи кўриниши билан ҳам диққатни ўзига тортади. Шарқона услубдаги бино шаҳар кўркига-кўрк қўшибди, дейди унга боққанлар. Биринчи қаватда оғир атлетика, бидибилдинг (қоматни чўзиш), тош кўтариш каби турлар билан шуғулланувчилар учун барча шароитлар яратилган. Юқори қаватда аэробика, армреслинг, Шарқ кураши, даволаш гимнастикаси, Амир Темир давридан буён давом этаётган, кейинги пайтда анча унутилган «Турон жанги» сингари машқлар ўтказиладиган алоҳида-алоҳида хоналар, тренажурлар мавжуд. Билллиард, стол тенниси, шахмат-шашка, душ, сауна, 25 метрлик чўмилиш ҳавзаси, ошхона ҳордиқ чиқарувчилар хизматида. Кўйингчи, бир гектардан ортиқроқ майдонни эгаллаган мажмуа бўсағасидан ҳатлаган киши бу ерга яна қайта ташриф буюриши аниқ.

— Мустақиллик туфайли халқимиз онгида жисмоний тарбия ва спортга муносабат тубдан ўзгарди, — дейди Абдумажид Ҳотамов. — Жисмоний соғлом жамиятни бунёд этмай туриб, маънавий баркамол давлатни қуриш мушкуллигини ҳамма тушунди. У шунчаки эрмак ёки вақтихушлик эмас, балки соғлом, баркамол инсонни камол топтириш омили эканлиги қалбларга кўчди.

Қарабсизки, ўз саломатлиги, жисмоний баркамоллиги ҳақида қайғуриш ҳисси етти ёшдан етмиш ёшгача бўлганларни қамраб олди. Спорт мусобақалари эса инсонларни адолат ва мардликка, Ватан шаънини улуғлашга ўргатаяпти. Кейинги йилларда мамлакатимиз спортида рўй берган улкан ютуқларни кўриб турибмиз. Эҳ-ҳе, санаб адо этолмайсиз. Ўз-ўзидан маълумки, спорт ўчоқларига эътибор ва талаб йил сайин ошиб бораверади.

Марказни бежиз Алпомиш номи билан атамаганмиз. Мақсадимиз халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашга баҳоли қудрат ҳисса қўшиш, Алпомиш, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби мард, паҳлавон ўғлонларни етиштиришдир.

Дастлабки пайтларда мингга яқин спорт ишқибозларини бағримизга олган эдик. Шу кунларда икки мингдан ортиқ ёшлар турли машқларда қатнашаяпти. Улар учун етук, тажрибали мураббийлар жалб этилган, 25 киши доимий иш билан таъминланди. Қисқа вақт ичида ёшлар орасидан армреслинг ва уч кураш бўйича 6 нафар республика чемпиони чиқди.

Президентимизнинг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги қарори айни ёшлар кутган ҳужжат. Унинг ҳаётий зарурриятлигини ким ҳам ҳис этмайди, дейсиз? Кўрасиз, келажакда болалар спорти шундай тез ва барқарор ривожланадики, у мамлакатимиз равнақига хизмат қилади. Спорт мажмуаларини янада кўпайтириш — кони фойда. Фармон ва қарордан келиб чиқиб, фаолиятимизга маълум ўзгаришлар киритдик. «Меҳрибонлик уйлари» тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандлари машғулотларда бепул қатнашаяпти.

Биз мажмуани кўздан кечириб, А.Ҳотамовнинг сўзларига ишонч ҳосил қилдик. Барча хоналар гавжум. Спорт анжомларининг бўш тургани йўқ. Мўлжалдаги машғулотлар давом этаяпти. Навбатда турганлар ҳам анча. Улар учун етарлича шароитлар яратилган. Кимни суҳбатга тортмайлик, спортга қизиқишини, бу ерда барча имконият мавжудлигини айтишди, шаҳарда яна шундай марказлар сонини кўпайтириш лозимлигини таъкидлашди.

Бугина эмас, «Саломатлик кунлари», «Кичик Олимпиада ўйинлари», спорт байрамлари каби тадбирларни ўтказиш ҳам вилоятда анъанага айланган.

Деворга осиқлик тахтага ёзилган сўзларга кўзимиз тушади: «Бадантарбия билан машғул бўлинса, ҳеч қандай дори-дармонга зарурат қолмайди». Дарҳақиқат, соғломлаштириш мажмуи қатнашчиларининг дори-дармонга муҳтожлик сезмай, Ватан шаънини улуғловчи довюрак спортчилар бўлиб етишишларига шубҳа йўқ.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**Корхоналар, ташкилотлар, улгуржи харидорлар ва тадбиркорлар диққатига!**

2002 ЙИЛНИНГ 20-27 НОЯБРЬ КУНЛАРИ
2003 ЙИЛДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИГАН
ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ

РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ САВДО
ЯРМАРКАСИ
ЎТКАЗИЛАДИ.



Ярмаркада
- ип,
- шойи,
- жун газламалар,
- тўқимачилик ва чарм-атторлик маҳсулотлари,
- кийим-кечаклар,
- пойабзаллар,
- гиламлар

ва чинни буюмлар
**тақдим этилади.**

МАНЗИЛ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, БОБУР КЎЧАСИ, 45-УЙ.
ИШ ВАҚТИ: СОАТ 9.00ДАН 18.00ГАЧА.

6516/2333



«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
256-хона


Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги жамоаси вазирликнинг Ишлар бошқарувчиси Чоршанби Шукуровга волидаи муҳтарамаси
**ХУШВАҚТ аянинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти жамоаси институтнинг бўлим бошлиғи, тарих фанлари доктори Зоя Арифхоновага турмуш ўртоғи, академик
**Абдулхай ВАЛИЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик ва таъзия изҳор қилади.


**«Халқ сўзи»**
**«Народное слово»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир:**
**Аббосхон УСМОНОВ**



**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.



**БЎЛИМЛАР:**

*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89;*
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 977,
27225 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ЎТБОСАРОВ.
Навбатчи — М. НОРМУРОДОВА.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 23.10*
1 2 3 4 5 6